

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САСМАКОВ СОБИРДЖАН АНАРМАТОВИЧ

**ХУЖАЙРАЛАРНИНГ РЕКОМБИНАНТ ОҚСИЛЛАР ОЛИШ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛЛИКНИ ТЕКШИРИШ МАҚСАДИДА ГЕНЕТИК
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

02.00.10-Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)
on biological sciences**

Сасмаков Собирджан Анарматович

Хужайраларнинг рекомбинант оксиллар олиш ва биологик фаолликни
текшириш мақсадида генетик трансформацияси.....5

Сасмаков Собирджан Анарматович

Генетическая трансформация клеток для получения рекомбинантных
белков и исследования биологической активности.....29

Sasmakov Sobirdjan Anarmatovich

Genetic transformation of cells for the obtaining of recombinant proteins and
the study of biological activity.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САСМАКОВ СОБИРДЖАН АНАРМАТОВИЧ

**ХУЖАЙРАЛАРНИНГ РЕКОМБИНАНТ ОҚСИЛЛАР ОЛИШ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛЛИКНИ ТЕКШИРИШ МАҚСАДИДА ГЕНЕТИК
ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

02.00.10-Биоорганик кимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/B151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Азимова Шахноз Садыковна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ахунов Али Ахунович
биология фанлари доктори, профессор
Далимова Сурайё Нигмановна
биология фанлари доктори, профессор
Раҳманбердиева Рано Каримовна
кимё фанлари доктори


Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B.37.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улутбек кўч., 83. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 262-70-63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатларга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улутбек кўч., 83. Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: (+99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).




Ш.И. Салихов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик


Ш.А. Шомуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.


М.Б. Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида вирус, бактериал инфекция ва хавfli ўсма касалликлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб муаммолардандир. Шунингдек инфекция қўзғатувчиларининг мавжуд микробга қарши дори воситаларига нисбатан чидамлилигининг (резистентлик) ортиб бораётганлиги ушбу муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Вирусли касалликларнинг профилактикасига қаратилган асосий чора-тадбир тирик хужайраларда биотехнологик усулда олинган вакцина препаратлари билан эмланиш бўлса, рақ касалликларига қарши курашдаги асосий йўналиш одам организми соғлом тўқима ва тана аъзолари учун кам заҳарли бўлган замонавий препаратларни ишлаб чиқиш ҳамда касалликни эрта ва тўғри ташхислашдан иборатдир. Жумладан, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра бугунги кунда дунёда 296 млн.дан ортиқ одам гепатит В вируси (HBV) билан сурункали зарарланган бўлиб, унинг салбий оқибатлари натижасида йилига деярли 1 миллион киши нобуд бўлади ва 1,5 млн.га яқин янги юктириб олиш ҳолатлари аниқланади. HBV вакциналарига бўлган талабнинг юқорилиги, ҳамда доимий равишда мутацияга учровчи вирусга қарши энг яхши ҳимояни таъминлайдиган рекомбинант янги самарали вакциналарни яратиш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Шунингдек одам репродуктив ҳолатини диагностикаси, ҳамда қўқрак ва тухумдон саратонини даволашга тавсия этилган Мюллер ингибирилловчи субстанцияси (MIS) ҳозирги кунда СНО хужайраларида жуда кам унум билан олинмоқда ва шу муносабат билан ҳозирги вақтда физиологик фаол, яъни табиий аналогидан деярли фарқ қилмайдиган ва юқори унум билан тегишли оксил синтезини таъминлайдиган мақбул экспрессия тизимини танлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда ушбу мақсадда ген муҳандислиги - рекомбинант ДНК технологиялари ёрдамида тирик хужайраларнинг генетик трансформацияси, рекомбинант ДНК клонлаш ва улар асосида керакли оксилларнинг синтезини амалга ошириш, шунингдек моддаларнинг антимикроб фаоллигини текшириш мақсадида маълум антибиотикларга чидамли микроорганизмлар штамmlарини олиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада биологик фаол рекомбинант оксилларни турли хил хужайра экспрессия тизимларида олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга, рекомбинант микроорганизм штамmlарида *in vitro* биологик тадиқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда рекомбинант оксиллар асосида дори воситалари ва диагностикаларни ишлаб чиқиш борасидаги бир қатор инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда муайян илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 - йўналишида фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, тиббиёт муассасалари ва аҳолини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш юзасидан

муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, биологик фаол рекомбинант оксилларни олиш, антибактериал ва замбуруғларга қарши фаолликка эга янги бирикмаларни аниқлаш келгусида самарали дори воситалари ва диагностикаларни яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 февраль 2018 йилдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 7 февраль 2017 йилдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 10 апрель 2019 йилдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика Фан ва технологиялари ривожланишининг «Тиббиёт ва фармакология» - VI устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Биологик фаол рекомбинант оксилларни турли хил экспрессия тизимларида инфекция ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг профилактикаси, даволаш ва тапхислаш учун вакцина, дори препаратлари ва диагностикалар яратиш, шунингдек ўсимликлардан ажратиб олинган табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг антимикроб фаоллигини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, National Center for Natural Product Research (АҚШ), National Institutes of Health (АҚШ), Max-Planck-Instituts, Leibniz-Instituts, Helmholtz Centre for Infection Research (Германия), Chinese Academy of Medical Sciences, Pekin Union Medical College (Хитой), Россия ФА (РАН) Биоорганик кимё институти, шунингдек Pfizer Inc. (АҚШ), Roche (Швейцария), Novartis (Швейцария), Jonson & Jonson (АҚШ), Merck & Co Inc. (АҚШ), Gilead Sciences Inc. (АҚШ), Amgen Inc. (АҚШ), Sanofi (Франция), Serum Institute of India (Ҳиндистон) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти (Ўзбекистон), Биоорганик кимё институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Pichia pastoris ачитки ва *Bombux mori* бакуловирус/ҳашарот экспрессия тизимларида рекомбинант оксилларни олиш, шунингдек патоген микроорганизм культураларида *in vitro* антимикроб фаолликни аниқлашга оид

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.sciencedirect.com/>, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/>, <https://scholar.google.com/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: *Pichia pastoris* ачитқи хужайраларида 70 дан ортиқ тиббиётда ишлатиладиган рекомбинант оксиллар, жумладан рекомбинант гепатит В вакцинаси, альфа-интерферон, рекомбинант инсулин 1999, 2002 ва 2003 йиллардан бошлаб Shanta Biotech ва Biocon, рекомбинант одам қон зардоби альбумини эса Mitsubishi Tanabe Pharma компанияси томонидан кейинги йилларда саноат миқёсида кўп миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. ЖССТ томонидан маъқулланган, бачадон бўйни саратон касаллигини келтириб чиқарадиган одам папилломавируси (HPV) штаммларига қарши - CERVARIX®, простата саратонига қарши - PROVENGE® ва мавсумий гриппга қарши - FLUBLOK® вакциналари бакуловирус/ҳашарот хужайралари тизимида олиниб кенг миқёсда тиббиётда ишлатилиб келинмоқда. Микробларга қарши фаоллик намоён этувчи ўсимликлардан ажратиб олинган фенол/полифеноллар, терпеноидлар, эфир мойлари, алкалоидлар, лектинлар ва полипептидлар, полиацетиленлар қаторига кирувчи бир қатор бирикмалар аниқланган бўлиб, улар асосида янги дори воситалари яратилмоқда.

Дунёда рекомбинант оксилларни олиш ва биологик фаол моддаларни *in vitro* тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан *Pichia pastoris* ачитқиси ва *Bombyx mori* бакуловирус/ҳашарот экспрессия тизимлари учун янги рекомбинант плазмидалар клонлаш ва улар асосида синтетик оксилларнинг юкори унумдор штамм-продуцентларини олиш, антибиотикларга чидамли микроорганизм штаммларини яратиш ва уларда моддаларнинг *in vitro* скринингини амалга ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир қатор хорижий етакчи илмий марказларда J.M. Cregg, H. Lünsdorf, A. Adnan, C.A. Guzmán, A. Vassileva, E.Y. Park, A.M. Ischenko, D.T. MacLaughlin каби хорижлик олимлар томонидан *Hansenula polymorpha*, *Saccharomyces cerevisiae*, *Pichia pastoris* каби ачитқи экспрессия тизимларида гепатит В вирусининг юза антигенларига жавоб берувчи рекомбинант оксилларни, шунингдек рекомбинант MIS оксиллини СНО хужайраларида олиш ва биологик фаоллигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган ва бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Республикамик миқёсида ҳам бу борада илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, муайян илмий ҳамда амалий натижаларга эришилган. Жумладан, проф. Ш.С. Азимова раҳбарлигида гепатит В вирусининг рекомбинант PreS2-S оксиллини тут ипак қурти (*Bombyx mori*) экспрессия тизимида олишга имкон берадиган генетик конструкциялар яратилган, шунингдек моддаларнинг *in vitro* цитотоксик фаоллигини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, олинган натижалар ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг

илмий - амалий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф6-Т198 «Биологик фаол моддаларни хужайра метаболизмига таъсирини ўрганиш» (2012-2016 йй.), КА-6-004 «*Bombyx mori* турли зотларида рекомбинант бакуловирус олиш усулини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), ВА-ФА-Ф-6-009 «Табиий бирикмалар ва уларни синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш» (2017-2020 йй.) ПЗ-20170926277 “Рекомбинант оқсилларни янги диагностика ва дори воситалари яратиш мақсадида *Pichia pastoris* ачитқи экспрессия тизимида олишни ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. *Pichia pastoris* ачитқи хужайралари ва тут ипак қурти (*Bombyx mori*) личинкаларида рекомбинант PreS2-S, S ва MIS - Мюллер ингибирловчи субстанцияси оқсилларини олиш, шунингдек антибиотикларга чидамли микроорганизмлар штамmlарини яратиш ва моддаларнинг антибактериал ҳамда замбуруғларга қарши фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гепатит В вируси (HBV) PreS2-S оқсилни *Pichia pastoris* ачитқиларида кодловчи pPIC3.5-PreS2-S ва pPIC9-PreS2-S рекомбинант плазмидаларини клонлаштириш ва клонлаштирилган PreS2-S гени ДНК фрагментининг нуклеотид кетма-кетлигини аниқлаш;

клонлаштирилган рекомбинант плазмидалар асосида PreS2-S оқсилни экспрессияловчи янги рекомбинант GS115 *Pichia pastoris* ачитқи штамmlарини олиш;

ПААГ электрофорез, ИФА ва Иммуноблот таҳлиллари ёрдамида рекомбинант PreS2-S оқсилнинг экспрессияси ва антигенлик хусусиятларини тавсифлаш;

рекомбинант *Pichia pastoris* pPIC9-PreS2-S ва pPIC9-S штамmlарини кўпайтиришнинг технологик усуллари ишлаб чиқиш;

Pichia pastoris ачитқи хужайраларидан тегишли рекомбинант оқсилларни ажратиб олиш ва тозалаш усуллари ишлаб чиқиш;

олинган рекомбинант оқсилларнинг *in vivo* иммуногенлик хусусиятларини ўрганиш;

MIS (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) оқсилни кодловчи рекомбинант бакуловирус плазмидасини клонлаштириш ва рекомбинант плазмида таркибидаги MIS гени ДНК фрагментининг нуклеотид кетма кетлигини аниқлаш;

MIS рекомбинант оқсилни тут ипак қурти личинкаларидаги синтезини амалга ошириш ва энг кўп миқдорда оқсил ишлаб чиқарадиган маҳаллий тут ипак қурти зотларини аниқлаш;

олинган рекомбинант MIS оқсилни ПААГ электрофорез ва иммуноблотнинг усуллари ёрдамида тавсифлаш;

антибиотикларга чидамли микроорганизмлар штамmlарини клонлаштириш;

табий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг антибактериал ва замбуруғларга қарши *in vitro* фаолликларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Pichia pastoris* ачитқиси, *Bombyx mori* хужайра культураси, ёввойи типдаги *Bombyx mori* ядровий полиэдроз вируси, рPIC3.5, рPIC9 ва рВасРАК8 трансфер векторлари, рекомбинант PreS2-S, S ва MIS оксиллари, турли зотларга мансуб тут ипак қурти личинкалари, антибиотикларга чидамлилиги генини сақловчи плазмидалар, грам-мусбат ва грам-манфий бактерия штаммлари, ҳамда *Candida albicans* замбуруғи, ўсимлик экстрактлари, индивидуал бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети *Pichia pastoris* ачитқи хужайраларида рекомбинант PreS2-S ва S оксилларининг экспрессияси, рекомбинант MIS оксилларининг *Bombyx mori* турли зотларга мансуб личинкаларидаги синтези, олинган рекомбинант оксилларнинг хроматографик, гел-электрофоретик ҳамда антигенлик хусусиятлари, антибиотикларга чидамли микроорганизм штаммларини клонлаштириш, моддаларнинг антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида биоорганик кимё, биокимё ва биотехнология (олигонуклеотидлар синтез қилиш, ДНК нуклеотид кетма-кетлигини аниқлаш, генларни клонлаштириш, оксилларни миқдор ва сифат жиҳатидан аниқлаш, тозалаш, спектрофотометрия усуллари, ИФА, Иммуноблот таҳлилари, *in vitro* биологик тестлар ва б.) усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор Гепатит В вируси (HBV) юза антигенини PreS2-S (865 н.ж.) *Pichia pastoris* ачитқиларида кодловчи рPIC3.5-PreS2-S ва рPIC9- PreS2-S рекомбинант плазмидалари клонлаштирилган;

клонлаштирилган рекомбинант плазмидалар асосида PreS2-S оксилни экспрессияловчи янги рекомбинант GS115 *Pichia pastoris* ачитқи штаммлари олинган;

илк бор *Pichia pastoris* рекомбинант рPIC9-PreS2-S ва рPIC9-S штаммларини қўпайтиришнинг технологик шарт-шароитлари аниқланган;

илк бор *Pichia pastoris* ачитқи хужайраларидан рекомбинант PreS2-S ва S оксилларини ажратиб олиш ҳамда тозалаш усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор тут ипак қурти - *Bombyx mori* личинкаларида рекомбинант MIS - Мюллер ингибирловчи субстанциясини кодлайдиган рекомбинант рВасРАК-8-Polh-MIS плазмидаси клонлаштирилган ва унинг асосида рекомбинант бақуловирис яратилган;

илк бор рекомбинант MIS оксилларининг синтези маҳаллий тут ипак қурти личинкаларида амалга оширилган. ПААГ электрофорез ва иммуноблотинг таҳлилари асосида рекомбинант MIS оксиги тегишли молекуляр оғирлик 70 кДа (мономер) ва одам MIS оксигига хос бўлган антигенлик хусусиятларини намоён этиши аниқланган;

клонлаш ёрдамида *Escherichia coli* бактерияси ва *Pichia pastoris* ачитқиларининг маълум антибиотикларга нисбатан резистент штамлари олинган;

табiiй ва синтетик келиб чиқишга эга жами 350 дан ортиқ намунанинг, жумладан Ўзбекистон флорасига мансуб 90 хилдан ортиқ ўсимликдан ажратиб олинган экстрактлар, эфир мойлари, индивидуал моддалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг антибактериал ва замбуруғларга қарши *in vitro* скрининги амалга оширилган;

1,11-бис- (6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан *Candida albicans* замбуруғ штамми, *Cnicus* sp., *Potentilla asiatica* ўсимликларининг экстрактлари грам-мусбат ва грам-манфiiй бактерия штамлари, жумладан ампициллин ва канамицинга резистент штаммларга нисбатан яққол ифодаланган фаоллик намоён этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Pichia pastoris ачитқиси, *Bombyx mori* ҳашароти бакуловириси ва бактерия ҳужайраларининг рекомбинант оксиллар олиш ва биологик фаолликни текшириш мақсадида генетик трансформацияси натижасида мақсадли Гепатит В вируси рекомбинант PreS2-S, S ва MIS оксиллари, шунингдек антибиотикларга чидамли бактерия штамлари олинган.

Pichia pastoris ачитқи ҳужайраларида PreS2-S ва S оксилларини кодлайдиган рекомбинант плазмидаларни клонлаштириш усуллари ишлаб чиқилган;

клонлаштирилган рекомбинант «PreS2-S» ДНК фрагментининг нуклеотид кетма-кетлиги аниқланиб, HBV D генотиپига, жумладан Ўзбекистонда тарқалган турига мос эканлиги ва мавжуд HBV вакциналаридан 2 та қўшимча антигендетерминанга сақлайдиган вакцина яратиш учун субстанция сифатида хизмат қилиши мумкинлиги кўрсатиб берилган;

рекомбинант *Pichia pastoris* pPIC9-PreS2-S ва pPIC9-S штамларини кўпайтиришнинг энг кўп миқдорда ҳужайра биомассаси (420-430 г/л), яъни PreS2-S ва S оксилларини ўртача ≈10 мг/л (1000 болалар вакцина дозаси/л) миқдорига тенг субстанция синтезига олиб келадиган шарт-шароитлари (озука муҳити таркиби, вақт, рН, DO, ҳарорат режими) аниқланган;

Pichia pastoris ачитқи ҳужайраларидан тегишли рекомбинант оксилларни ажратиб олиш ва тозалаш усуллари ишлаб чиқилган. Ачитқи ҳужайраларини гомогенизациялашнинг, аммоний сульфат тузи билан босқичли чўктиришнинг, Sephadex G-200 SF, DEAE Sepharose FF ва Supredex 75pg сорбентларидаги босқичли хроматографиянинг энг мақбул шароитлари аниқланган;

тажриба ҳайвонларида амалга оширилган иммуногенлик таҳлиллари рекомбинант S ва PreS2-S оксиллари юқори иммун жавоб намоён этишини кўрсатган;

тут ипак қурти личинкаларида функционал фаол рекомбинант MIS оксилнинг синтези амалга оширилган;

рекомбинант MIS оксилнинг синтез даражасини қиёсий таҳлил этиш асосида энг кўп миқдорда тўғри пост-трансляцион модификацияли оксил

синтезловчи “Марварид” зоти аниқланиб, ушбу зотни биотехнологияда қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилган;

Escherichia coli бактерияси ва *Pichia pastoris* ачитқиларининг - ампициллин, карбенициллин, неомидин, канамицин, генетицин (гентамицин В1) ва зеоцин (флеомицин D1) антибиотикларига нисбатан резистент штаммлари олинган;

табиий ва синтетик келиб чиқишга эга моддаларнинг антибактериал ва замбуруғларга қарши *in vitro* скрининги амалга оширилган ва улар орасидан микробларга қарши яққол фаоллик намоён этадиган намуналар танлаб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий биоорганик, биокимё ва молекуляр биология усулларини қўллаш ёрдамида олинганлиги билан тасдиқланади. Натижалар замонавий аналитик ва статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинган. Бунинг тасдиғи сифатида мутахассислар томонидан эксперт хулосалари, ҳамда республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги, тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги ва ЎзР патентлари олингани хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк марта *Pichia pastoris* ачитқиларида Гепатит В вируси юза антигенлари рекомбинант PreS2-S ва S оқсилларини кодлайдиган янги плазмидалар клонлаштирилганлиги, шунингдек илк бор тут ипак қурти - *Bombyx mori* личинкаларида рекомбинант MIS (Мюллер ингибирловчи субстанцияси) оқсилни экспрессияловчи янги рекомбинант бакуловирус яратилганлиги, шунингдек рекомбинант плазмидалар асосида антибиотикларга чидамли микроорганизмлар штаммлари олинганлиги, ҳамда Ўзбекистон флорасига мансуб маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган 350 дан ортиқ намуна, жумладан экстрактлар, эфир мойлари, индивидуал моддалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг антибактериал ва замбуруғларга қарши *in vitro* скрининги амалга оширилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот иши натижаларидан биоорганик кимё, биотехнология, фармацевтика ва фитокимё соҳаларида рекомбинант оқсилларни олишда, шунингдек табиий бирикмаларнинг биологик фаолликларини ўрганишда ўқув ва илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клонлаштирилган рекомбинант плазмидалар асосида гепатит В вирусига қарши янги самарали вакцина, ҳамда диагностик тест тизимлар яратиш учун асос бўладиган тегишли PreS2-S ва S оқсилларини экспрессияловчи янги рекомбинант *Pichia pastoris* ачитқи штамм-продуцентлари олинганлиги, шунингдек энг кўп миқдорда MIS оқсилни синтезловчи маҳаллий “Марварид” зотли тут ипак қурти аниқланиб, ушбу зотни биотехнологияда қўллаш имкониятлари кўрсатиб берилганлиги, *in vitro* тадқиқотлар натижасида аниқланган антибактериал ва замбуруғларга қарши фаол бирикмалар янги дори воситалари яратиш учун асос бўлиб хизмат қилиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Pichia pastoris*, *Bombyx mori* ва бактерия хужайраларининг рекомбинант оқсиллар олиш ва биологик фаолликни текшириш мақсадида генетик трансформациясини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тут ипак қурти (*Bombyx mori*) личинкаларида юқори унум билан рекомбинант оқсил синтезини таъминловчи зотни аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (UZ №IAP 20160473). Натижада, маҳаллий зотга мансуб тут ипак қурти личинкаларидан биотехнология саноатида фойдаланиш имконияти яратилган;

замбуруғга қарши фаолликка эга булган 1,11-бис-(6,7-диметокси-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин-1-ил) ундекан учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (UZ №IAP 05940, 2019 й.). Натижада, ушбу бирикманинг тиббиётда замбуруғларга қарши восита сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

рекомбинант PreS2-S оқсилни кодловчи нуклеотидлар кетма-кетлиги NCBI GenBank ID MT023508 (Биотехнология маълумотлари миллий маркази, АҚШ, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/nucleotide/MT023508.1/>) ва EMBL-EBI LR745788 (<https://www.ebi.ac.uk/>) халқаро маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилган. Натижада, келтирилган маълумотлар аналогик оқсилларнинг қиёсий таҳлилини халқаро миқёсда амалга ошириш имконини берган;

Pichia pastoris ачитқисида рекомбинант S оқсилни кодловчи ген кетма-кетлиги NCBI GenBank ID MT023509 (Биотехнология маълумотлари миллий маркази, АҚШ, (<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/nucleotide/MT023509.1/>) ва EMBL-EBI LR746134 (<https://www.ebi.ac.uk/>) халқаро маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилган. Натижада, ушбу йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда аналогик оқсилларнинг аминокислота кетма-кетлигини, ҳамда антигенлик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш имконини берган;

рекомбинант MIS оқсилни кодловчи нуклеотидлар кетма-кетлиги NCBI (Биотехнология маълумотлари миллий маркази, АҚШ) халқаро маълумотлар базасига киритилган ва GenBank ID 2480761 Seq3 MZ556958 идентификатори билан рўйхатдан ўтказилган. Натижада, ушбу маълумотлар аналогик оқсилларнинг қиёсий таҳлилини дунё миқёсида амалга оширишга имконият яратган;

рекомбинант S оқсилни синтезловчи *Pichia pastoris* ачитқи штамми ЎЗР ФА Микробиология институти саноат аҳамиятига эга микроорганизмлар коллекциясига сақлаш учун тошпирилган ва унга паспорт олинган (коллекция қайди № СКБ-186, 05.03.2020 й.). Натижада, республика саноат аҳамиятига эга микроорганизмлар коллекцияси янги штамм продуцент билан бойитиш имконини берган;

табiiй бирикмалар: ўсимлик манбалари, тузилиши ва биологик хусусиятлари бўйича бутун дунё илмий маълумотлари тўпламиб халқаро Springer нашриетида 2 томлик (1070 бет) тўплам – Handbook- “Natural Compounds: Plant Sources, Structure and Properties” ISBN: 978-1-4614-0540-5; 2013; (New York: Springer). Triterpene glycosides. V.5, Part 1. P.1-532 and Part 2. P.533-1070. <https://doi.org/10.1007/978-1-4614-0541-2> чоп этилган бўлиб, унда

табiiй бирикмалар, хусусан тритерпенли гликозидларнинг физик-кимевий ва биологик хоссалари жамланган. Натижада, ушбу маълумотлардан дунё микёсида фойдаланиш имконияти яратилган;

табiiй ва синтетик келиб чиқишга эга бирикмаларнинг антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллигини ўрганиш бўйича илмий натижалар юкори импакт-факторга эга 40 дан ортиқ хорижий илмий журналларда қўлланилган: (Antibiotics, 2020, 9(8), 441, IF=4.639; Journal of Ethnopharmacology 2020, 250, 112466, IF=4.360; Toxins, 2019, 11(10), 598, JCR IF=4.54; Molecules, 2021, 26(11), 3193, IF=4.411; Frontiers in microbiology 2020, 11, 424, IF=5.640, Natural product research, 2021, 35(4), 696-701, IF=2.158 ва бошқалар). Натижада, антибактериал ва замбуруғларга қарши фаоллик бўйича скрининг натижаларининг қўлланилиши биологик фаол моддалар бўйича маълумотларни қўлга киритишга ва ўсимлик объеклари кимевий таркибини мақсадли ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 43 та, жумладан 28 та республика ва 15 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 89 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 та халқаро Springer нашриётида тўплам (Handbook), 2 та патент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 38 та мақола, жумладан, 16 таси Республика ва 22 таси хорижий журналларда нашр этилган, патент учун 3 та талабнома тошпирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биотехнологияда турли ҳужайра культураларидан фойдаланиш**» деб номланган биринчи бобида ҳужайраларнинг генетик трансформацияси асосида биотехнологик усулда, рекомбинант ДНК технологиялари ёрдамида биологик фаол оқсилларнинг синтезини амалга ошириш, жумладан *Pichia pastoris* ачитки ҳужайралари ва бакуловирус/*Bombux mori* ҳашарот ҳужайралари экспрессия тизимларида рекомбинант оқсилларни олиш ҳақида маълумотлар батафсил келтириб

ўтилган. Шунингдек, рекомбинант плазмидалар асосида биологик фаолликларни ўрганиш мақсадида маълум антибиотикларга чидамли микроорганизмлар штаммларини олиш, *in vitro* антибактериал ва замбуруғларга қарши тестларда ишлатиладиган микроорганизм штаммлари ва уларда моддаларнинг биологик фаоллигини текшириш ҳақидаги хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар шарҳи баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида *Pichia pastoris* ачитқи ва бакуловирус/*Bombyx mori* ҳашарот хужайралари экспрессия тизимларида рекомбинант оксилларни олиш, шунингдек моддаларнинг антибактериал ва замбуруғларга қарши фаолликларини аниқлаш учун фойдаланилган жиҳоз, материал ва усулларнинг тавсифи баён этилган тажриба қисми келтирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «***Pichia pastoris* ачитқисида рекомбинант PreS2-S, S ва GFP оксилларини олиш**» га бағишланган. Бобда Гепатит В вируси юза антигени PreS2-S ва S рекомбинант оксилларини, шунингдек GFP оксилни *Pichia pastoris* ачитқисида олиш мақсадида, керакли ген сакловчи рекомбинант плазмид ДНКларни клонлаштириш, улар асосида рекомбинант штаммларни олиш ва кўпайтиришнинг технологик шарт-шароитларини аниқлаш, олинган рекомбинант оксилларни ажратиб олиш ва тозалаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек ПААГ электрофорез, ИФА ва иммуноблот усуллари ёрдамида тавсифлаш ва иммуногенлик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Керакли ген сакловчи рекомбинант плазмид ДНКларни конструкциялаш

Pichia pastoris ачитқи экспрессия тизими ҳозирги кунда рекомбинант оксиллар олиш учун энг технологик тизимлардан бири ҳисобланади. Арзон озуқа муҳитида кўпайтириш жараёнида кўп миқдордаги хужайра биомассасини тўплаши, эндотоксин ва пирогенларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек рекомбинант оксилларни юқори унум билан синтез қобилияти *Pichia pastoris* ачитқиларининг афзал томонлари ҳисобланади. Тадқиқотларимизда *Pichia pastoris* ачитқи экспрессия тизимида PreS2-S оксилнинг экспрессиясини таъминлайдиган янги рекомбинант плазмидалар клонлаштириш мақсадида *Pichia pastoris* геномининг нуклеотид кетма кетликларини, шу жумладан *AOX1*, *HIS4* промотори ва бошқаларни ўз ичига олган pPIC3.5 (7751 ж.н.) ва pPIC9 (8023 ж.н.) трансфер векторлари ишлатилди. pPIC9 кўшимча равишда алфа-факторнинг (249 ж.н.) оксилларни озуқа муҳитига чиқариш имкониятини берадиган сигнал кетма-кетликларини тутди. Ёт қДНКни мультиклонинг сайтга киритиш (BamHI, XhoI, EcoRI ва б.) оксил аминокислота кетма-кетлигини кодловчи генларни *AOX1* генининг промотори (алкоголь оксидигидрогеназа) назорати остига кўяди. Ушбу плазмидалар керакли генларни *Pichia pastoris* ачитқи хужайралари геномига интеграциялаш имкониятини беради. PreS2-S генининг манбаи сифатида бакуловирус/ҳашарот хужайраси экспрессияси тизимига мўлжалланган pVacPAK-8-Polh-PreS2-S плазмидасидан фойдаланилди. Дастлаб PreS2-S генига жавоб берадиган қДНК фрагменти манбаи бўлган pVacPAK-8-Polh-

PreS2-S рекомбинант плазмидаси ва рPIC3.5, шунингдек рPIC9 трансфер векторлари EcoRI ва NotI рестриктазалари ёрдамида навбати билан гидролизланди. Натижада, рPIC3.5 ва рPIC9 векторлари, шунингдек PreS2-S кДНК фрагментининг учлари "ёпишқок" бўлган ва "йўналиштирилган" лигирлаш имкониятини берадиган нуклеотидлар кетма-кетлиги ҳосил бўлди. Узунлиги 7745 н.ж., 7999 н.ж. ва 965 н.ж. бўлган чизикли ДНК фрагментлари электрофорез ёрдамида 0.7% агарозали гелда электроэлюция усули ёрдамида ажратиб олинди. Олинган кДНК фрагментлари T4 ДНК лигаза ферменти ёрдамида 1:10 нисбатда (вектор ва ген) лигирланди ва *Escherichia coli* NEB-5 α компетент хужайраларига трансформация қилинди. Клонланган плазмид ДНКлар таркибида ампициллинга чидамлилик гени мавжуд бўлиб, бу таркибида плазмид ДНК бўлмаганлардан саралашга имконият беради.

Рекомбинант клонларнинг скрининги гепатит В вирусининг PreS2-S регионига синтез қилинган қуйидаги праймерлардан фойдаланган ҳолда ПЗР усули ёрдамида амалга оширилди.


рPIC3.5-PreS2-S учун: 1) 5'-CGGATCCAAAAATGTCTCAGTGGAAAC-3'

2) 5'-TGTTGAATTC AATGTATACCCAAA-3'

рPIC9-PreS2-S: 1) 5'-CCTCGAGAAAAATGTCTCAGTGGAAAC-3'

2) 5'-TGTTGAATTC AATGTATACCCAAA-3'

ПЗР маҳсулотлари электрофорез усули ёрдамида 1% агароза гелида таҳлил қилинди (1-расм).



A – pPIC3.5- PreS2-S;


B – pPIC9- PreS2-S; **C (K-)** - HBV "манфий" одам қонидан ажратилган ДНК;

D – ДНК линейка (Маркер);

E (K+) – HBV "мусбат" одам қонидан ажратилган ДНК.

1-расм. Керакли ген сақловчи трансформантларнинг гелъ электрофорези.

Реакция сўнгига 965 н.ж. тенг фрагментнинг борлиги мазкур плазмидаларда PreS2-S кДНК мавжудлигини кўрсатади (2-расм. **A** ва **B** намуналар). Мана шу асосда, ПЗР усули ёрдамида гепатит В вируси ДНКнинг PreS2-S регионини ўз ичига олган клонлар аниқланди. Геннинг плазмидага "тўғри йўналиш"да киритилганини аниқлаш учун қўшимча рестрикция таҳлил ўтказилди. Рекомбинант рPIC3.5- PreS2-S (**A**) ва рPIC9- PreS2-S (**B**) плазмидаларини EcoRI ферменти билан кесилганда 8707 ва 8980 н.ж. га тўғри келадиган чизикли шакллари ҳосил бўлди (2-расм).



A - pPIC3.5-PreS2-S/EcoRI;

B - pPIC9-PreS2-S/EcoRI;

C - pPIC3.5/EcoRI; **D**- pPIC9/EcoRI

2-расм. Рекомбинант плазмидаларнинг рестрикция таҳлили.

NotI рестриктазаси билан кейинги ишлов натижасида ўлчамлари 7.75, 8.023 к.н.ж. ва 965 н.ж. бўлган фрагментлар олиниб, рекомбинант

плазмидаларда гепатит В вируси PreS2-S гени қДНКнинг тўғри йўналтирилганлигини кўрсатади.

Мана шу асосда АОХ1 гени промотори остида тўғри йўналишда жойлаштирилган гепатит В вируси ДНКнинг PreS2-S регионини сақлайдиган рекомбинант плазмидли ДНКлар конструкцияланди.

Тадқиқот доирасида клонлаштирилган рекомбинант плазмидалар таркибидаги “PreS2-S” генини сақловчи ДНК фрагментининг нуклеин кислоталар кетма-кетлиги аниқланди ва Гепатит В вирусининг D генотипига, жумладан Ўзбекистонда кенг тарқалган турига мос келиши аниқланди. Ушбу PreS2-S оксилени кодлайдиган нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланиб NCBI (АҚШ Миллий биотехнология ахборот маркази, GenBankID MT023508, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/nucleotide/MT023508.1/>) ва ENA халқаро маълумотлар базасига киритилди (LR745788).

Биз *Pichia pastoris* ачитқи хужайраларида гетерологик оксиллар синтезини баҳолаш учун “модель” сифатида ММ 27 қДа (719 ж.н.) бўлган GFP (яшил флуоресцент оксил) ни танлаб олдик. NCBI маълумотлар базасидан GFP генининг нуклеотидлар кетма кетлиги қиёсий таҳлил қилиниб, тўлиқ ўлчамли GFP генининг амплификацияси ва трансферли векторларга клонлашни назарга тутган ҳолда қуйидаги олигонуклеотидлар синтези амалга оширилди: BamHI 5'-GAAGGATCCATGGTGAGCAAGGGCGA-3' (F-pPIC3.5); XhoI 5'-TCTCTCGAGATGGTGAGCAAGGGCGA-3' (F-pPIC9); EcoRI 5'-AGGGAATTCCTGTACAGCTCGTCCATG-3' (R).

Рекомбинант pPIC3.5-GFP ва pPIC9-GFP плазмидаларини клонлаш юқоридаги баён этилгани каби амалга оширилди. pPIC3.5 ва pPIC9 трансфер векторларига BamHI/EcoRI ва XhoI/EcoRI рестриктазалари билан кетма-кет равишда ишлов берилди ва чизикли шакллари олинди. Матрица сифатида ЎЗРФА ЎМКИ молекуляр генетика лабораториясида депонирланган рекомбинант pBacPAK8-polh-EGFP плазмидаси ишлатилди. қДНК фрагментлари лигирлангандан сўнг *Escherichia coli* NEB-5 α хужайраларига трансформацияланди. Олинган клонларнинг скрининги ПЗР, шунингдек рестриқцион таҳлиллар ёрдамида амалга оширилди.


PreS2-S, S ва GFP оксилларини кодлайдиган *Pichia pastoris* ачитқиси рекомбинант штамmlарини олиш.

Ушбу мақсадда pPIC3.5-PreS2-S, pPIC9-PreS2-S, pPIC3.5-GFP ва pPIC9-GFP рекомбинант плазмидалари GS 115 *Pichia pastoris* ачитқи штаммига трансформация қилинди. Рекомбинант плазмидалар *Pichia pastoris* хужайрасига электропорация усули ёрдамида киритилди. Бунда самарали трансформациялаш жараёни плазмидаларни Sac I, Sal I, Stu I ёки Bgl II сайтлари бўйича чизикли шаклга келтириб олиш ва ДНК концентрацияси 0.5 мкг, хужайраларнинг оптик зичлиги OD₆₀₀=2.0 бўлганда трансформантлар сони максимал ҳосил бўлиши аниқланди.

***Pichia pastoris* рекомбинант клонларининг селекциясини амалга ошириш. Рекомбинант оксил синтезловчи штамmlарни саралаш.**

Pichia pastoris GS115 штаммида гистидиннинг синтезига жавоб берувчи гистидинол дегидрогеназа гени (*his4*) мутация қилинган, шу сабабли мазкур

штамм гистидинсиз озука муҳитда ўса олмайди. Клонлаштириш учун танлаб олинган pPIC3.5 ва pPIC9 трансфер векторлари эса натив *HIS4* генини сақлайди ва шу сабабли олинган *Pichia pastoris* рекомбинант штамми гистидинсиз озука муҳитда ўсиш қобилиятига эга бўлади. Биз аввалги тадқиқотларимизда Mut^r ва Mut^s, яъни метанолни қўп ва кам утилизация қилувчи фенотипли *P. pastoris* штаммлари S-HBsAg оксиллини деярли бир хил миқдорда синтез қилишини аниқлаган эдик. Шу сабабли керакли рекомбинант оксилларни синтез қилувчи колониялар ММ (минимум метанол) селектив озука муҳитларида сараланди. Ўсиб чиққан колониялар ПЗР усули ёрдамида таҳлил қилиниб, керакли геннинг GS115 *P. pastoris* геномига интеграцияси тасдиқланди (3-расм).



А – pPIC3.5-S; В – pPIC9-S;
 С (К-) – “HBV манфий” одам қонидан ажратилган ДНК;
 D – ДНК маркер;
 E (К+) – “HBV ижобий” одам қонидан ажратилган ДНК.

3-расм. *P. pastoris* pPIC3.5-PreS2-S ва pPIC9-PreS2-S колонияларининг ПЗР таҳлили.

Саралаб олинган рекомбинант клонларда керакли оксил экспрессияси ҳақиқатдан ҳам содир бўлишини каттик фазали ИФА усули ёрдамида аниқланди. ИФА таҳлили учун “ЎзР ФА ЎМКИ диагностик тест тизимларини ишлаб чиқариш корхонаси” ва Diagnostic Systems (Россия) каби тижорат тўшамларидан фойдаланилди. Қиёслаш стандарти сифатида гепатит В вируси S антигени асосидаги «Hepatitis B Vaccine (rDNA), Serum Institute of India» вакцинасидан фойдаланилди. Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, танлаб олинган *Pichia pastoris* клонларида рекомбинант PreS2-S оксилнинг самарали синтези амалга ошади.

1-жадвал

***Pichia pastoris* ҳужайраларида PreS2-S оксил экспрессиясининг таҳлили**


Текширилаётган намуна	Суюлтириш даражаси	ИФА тест синови натижалари (OD=450 нм)
<i>Pichia pastoris</i> дан ажратилган рекомбинант PreS2-S сақлайдиган умумий оксил (≈5 мг/мл)	1:1000	2.870
	1:10000	0.591
«Hepatitis-B Vaccine (rDNA) 20 mcg/ml, Serum Institute of India»	1:1000	≥ 3000 (out)
	1:10000	0.410
Тўшамдаги ижобий назорат стандарти (HBV билан касалланган одам қон зардоби)		≥ 3000
Тўшамдаги салбий назорат стандарти (соғлом одам қон зардоби)		0.095

Рекомбинант GFP оксиллини синтезлайдиган *Pichia pastoris* pPIC3.5-GFP ва pPIC9-GFP рекомбинант клонларининг селекцияси юқоридаги каби ПЗР усули ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижалар “GFP гени” GS115 *Pichia pastoris* ачиткиларига интеграцияланганлигини кўрсатади (4-расм).

Ҳужайралардаги оксил экспрессияси GFP-специфик флуоресценция орқали визуализация қилинди (5-расм).



4-расм. pPIC3,5-GFP ва pPIC9-GFP рекомбинант клонларининг ПЗР таҳлил натижаси.



5-расм. GFP рекомбинант клонларининг визуализацияси. GFP рекомбинант оксилни экспрессиялайдиган хужайралар (яшил ранг, 20 х катталаштирилган).

Мана шу асосда бажарилган ишларнинг натижасида *Pichia pastoris* рекомбинант клонларининг селекцияси амалга оширилиб, ўзида керакли оксиллар экспрессия кассеталарини сакловчи GS115 *Pichia pastoris* pPIC3.5-PreS2-S, pPIC9-PreS2-S, pPIC3.5-GFP ва pPIC9-GFP рекомбинант клонлари саралаб олинди.

***Pichia pastoris* рекомбинант штамmlарини кўпайтиришнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш.**

Маълумки олинаётган рекомбинант оксилларнинг миқдори штамм-продуцентларни технологик усулда кўпайтириш жараёнига узвий боғлиқ бўлиб, мақбул шароитларни танлаш асосида юкори унум билан тегишли оксил синтезига эришиш мумкин. Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, *Pichia pastoris* метанолни утилизация қилиш ижобий (Mut^+) фенотипи метанолда ёввойи типдаги штамmlар каби тез ўсади, бунда pPIC3.5-PreS2-S ва pPIC9-PreS2-S экспрессия даражалари деярли фарқ қилмайди. Шу сабабли тадқиқотимизда Mut^+ фенотипига мансуб *Pichia pastoris* рекомбинант штамmlарини ферментерда кўпайтириш (яримсаноат) жараёнини камраб олдик. Тажрибалар натижасида уч босқичли стратегия ишлаб чиқилди. Бунда, биринчи босқичда рекомбинант ачитки штамми махсус ботиқ қолбаларда 18-20 соат давомида кўпайтирилди (ферментерга юкланадиган умумий ҳажм миқдорининг 5% нисбатида). Иккинчи босқичда ферментерга ҳажмий нисбатларда 5 % глицерин ва 0.5% сорбитол тутувчи озук муҳити юкланди. Муҳитнинг pH кўрсаткичи 25% аммиак билан pH=5.0 га тўғирланди. Сўнгра ферментерга оптик зичлиги $OD_{600}=5.0$ гача ўстирилган хужайра культураси солинди. Ферментернинг айланиш тезлиги 600 ай/мин, эриган кислороднинг миқдори (DO) эса 25% дан кам бўлмаслиги таъминланди. Кейинги босқичнинг аввалида (ферментерда инкубация бошлангандан 10 соат ўтгандан сўнг) муҳитга таркибиде 12 мл/л РТМ1 сакловчи 100 % метанолдан 3.5 мл/л/соат миқдорда (0.1% -0.5%) 4 соат мобайнида кўшилди. Сўнгра мазкур миқдор метанолнинг концентрацияси 1% га етгунча кўтарилиб, 50 соат давом эттирилди. Ушбу босқичда ҳўл хужайра биомассаси 420-430 г/л ни ташкил этди. Аналогик усулда рекомбинант S оксилни экспрессияловчи штаммда ҳам тажриба ўтказилиб худди шундай натижага, яъни озук муҳитидаги хужайра

биомассаси - 420-430 г/л га эришилди. Кўпайтириш жараёнида 10 л ҳажмли ферментерда HBV вакцинасининг 10 000 доза миқдорига тенг (~10 мг/л) бўлган субстанция синтезига эришилди. Бунда *Pichia pastoris* рекомбинант штаммларини кўпайтиришга кетган жами вақт бошлангич этапни ҳам ҳисобга олганда 90-92 соатни ташкил этди. Бу муддат илмий адабиётларда келтирилган ўртача вақт (120 соат) билан солиштирилганда деярли 30% га қисқа эканлиги маълум бўлади.

***Pichia pastoris* ачитқи хужайраларидан тегишли рекомбинант оқсилларни ажратиб олиш ва тозалаш.**

Pichia pastoris ачитқи хужайраларидан тегишли рекомбинант оқсилларни ажратиб олиш учун биринчи навбатда хужайраларни гомогенизациялаш шароитлари ўрганилди. Бунда энг мақбул паройт хужайра биомассасини шиша шарчалар (dm 0.5 mm, 1:1 нисбатда) ёрдамида, 1500 айл/мин ва 15-20 мин давомида (тегирмонда) гомогенизациялаш, ёки бўлмасам юқори босимли гомогенизаторда 1200-1250 бар босим остида хужайраларга ишлов бериш эканлиги аниқланди. Кейинги босқичда ажратиб олинган хужайра гомогенатини аммоний сульфат тузининг турли хил концентрацияси билан тўйинтириш орқали чўктириш амалга оширилди. Тажриба натижалари ачитқи хужайраларидан рекомбинант PreS2-S ва S оқсиллини сақловчи фракцияларни ажратиш учун хужайра гомогенатини 25% ва 75% ли аммоний сульфат билан босқичли чўктириш энг самарали эканлигини кўрсатди (2-жадвал, 6-расм).

